

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЖИЕВА ГУЛБАҲОР НОМОЗОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЛЕКСИКАСИНING
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ
(«миллий ғоя» атов бирликлари тизими)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Тожиева Гулбахор Номозовна

Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидаги таракқиёти («миллий ғоя» атов бирликлари тизими).....5

Тожиева Гулбахор Номозовна

Развитие в годы независимости узбекской духовно-образовательной лексики (система назывных единиц «Национальной идея»).....21

Tadjieva Gulbakhor Nomozovna

The development of the spiritual-educational vocabulary of the uzbek language in the independence period (the system of nominative units «National idea»).....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works44

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЖИЕВА ГУЛБАҲОР НОМОЗОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЛЕКСИКАСИНИНГ
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ
(«миллий ғоя» атов бирликлари тизими)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2017

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1.PhD/Fil 21 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz.) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Менглиев Бахтиёр Ражабович,**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Дадабоев Ҳамидулла Арабович,**
филология фанлари доктори, профессор

Абдиев Муродқосим Болбекович,
филология фанлари доктори

Етакчи илмий муассаса: **Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD 27.06.2017.fil.02.03 рақамли Илмий кенгашининг «___» _____ 2017 й. соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-18-92, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz). Самарқанд давлат университети, Бош бино 1-қават, Анжуманлар зали (105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-18-82, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2017 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Қ. Муҳиддинов,
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, ф.ф.н.

Ж.Ҳамроев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги глобаллашув даврида жамиятни, биринчи навбатда ёшларни мафкуравий ва ғоявий жиҳатдан муҳофаза этиш инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан биридир. Шу сабабли жаҳон тилшунослигида «мафкура», «маънавият», «ғоя» тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини тўғри ва аниқ изоҳлаш бўйича кўплаб назарий ва амалий тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур тушунчаларнинг лисоний тизимдаги ўрнини аниқламасдан туриб мафкуравий ва маънавий-маърифий ишларни яхлит система сифатида идрок этиш мумкин эмас. Хусусан, «мафкура», «маънавият», «ғоя» тушунчаларининг тил тизимидаги микро ва макросистемаларини аниқламасдан, уларнинг концептосферасини чегараламасдан маънавий тарбия тизимини, маънавиятнинг тараққиётимизнинг асосий қуроли сифатидаги ролини тўлақонли тасаввур қилиб бўлмайд.

Жаҳон ва миллий тилшунослик фанларидаги маънавий-маърифий лексикани ўрганишнинг илғор тажрибалари ва тадқиқот методларини қўллаган ҳолда «мафкура», «маънавият», «ғоя» тушунчаларининг лисоний табиати, оламнинг лисоний манзараси нуқтаи назаридан тил тизимидаги ўрни масаласини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, «мафкура», «маънавият», «ғоя» тушунчаларини ифодаловчи бирликларнинг семантик муносабатларини тиклаш, бу семантик муносабатларни ҳосил қилувчи унсурларни аниқлаш, атов бирликларининг семантик ва парадигматик муносабатлари асосида ётувчи лисоний зиддиятларини лисон ва нутқ дихотомияси тамойиллари асосида тавсифлашсиз бу вазифаларни уддалаш қийин.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мамлакатимизда миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шакллантирилди. Зеро, маънавий-маърифий ишларнинг мазмун-моҳияти «...дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, «оммавий маданият», наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш»¹ билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПҚ-451-сон Қарори, 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи, 2017 йил, 29 июль.

ташқил этиш тўғрисида»ги ПФ-4997-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирлиги фалсафий-гносеологик аспектда кенг ўрганилмоқда. Бу борада қисқа давр мобайнида бир қанча асарлар юзага келди, илмий-назарий ва амалий анжуманлар ташқил этилди. Шунингдек, филологик йўналишда махсус тадқиқотлар бажарилган¹, мақолалар ёзилган², луғатлар тузилган³. Бу тадқиқотларда мавзунинг умумий қирралари ёритиб берилган бўлса-да, миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликлари лингвистик аспектда ва монографик йўсинда махсус тадқиқ этадиган камровли тадқиқот вужудга келганича йўқ.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўрганилаётган «Миллий луғатчилик ва ўзбек тилининг когнитив аспекти муаммолари» илмий истиқбол режаси асосида ҳамда ОТ-Ф8-002-«Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» номли фундаментал тадқиқот доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг ўзбек тили лисоний тизимидаги ўрни ва системавий хусусиятлари ёритиб беришдан иборат.

¹Давурбоева Н.А. Фитрат драмаларида миллий озодлик ғоясининг талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1988. – 124 б.; Мамашукуров Ж.А. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида ривожланишининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий асослари: Фалс. фан. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 1999. – 22 б.; Загыртдинова Ф.Б. Повышение функциональной грамотности населения как фактор укрепления независимости Республики Узбекистан: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Тошкент, 1999. – 22 с.; Тошбоев О.Ш. Миллий истиқлол мафқурасининг шаклланишида матбуотнинг ўрни: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2000.–152 б.; Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти: Филол. Фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. –26 б.

²Жумахўжа Н. Юксак маънавият белгиси // Халқ сўзи. – Тошкент, 1997. – 5 ноябрь; Маҳмудов Н. Миллий мафкура ва она тили // Халқ сўзи. – Тошкент, 2000. – 13 июнь; Қосимов Б. Жадидлар ва миллий мафкура // Тафаккур. – Тошкент, 2000. – № 3. – Б. 28–32; Йўлдошев Қ. Миллий ғоя ва адабий таълим // Ўзбекистон овози. – Тошкент, 2000. – 21 декабрь.

³Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 317 б.; Миллий ғоя:тарғибот технологиялари ва атамалари луғати. Тошкент: Академия, 2007. – 352 б.; Ғозиев С., Ибрагимова Г. Маънавият луғати. Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – 128 б.; Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати: Тошкент. Академия, 2009. – 955 б.; Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Тошкент: Фафур Фулом, 2013. – 448 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

атов бирликлари маъноларининг махсулашуви лингвистик муаммо эканлигини очиб бериш, махсулашувни таъминловчи омилларнинг бирикма маъносига таъсирини ёритиш, махсулашувнинг ёндош ҳодисалар тизимидаги ўрни ва моҳиятини тавсифлаш;

миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг мавзувий гуруҳларини белгилаш ҳамда таснифлаш, уларнинг семантик моҳиятидаги бирлаштирувчи ва фарқловчи белгиларини очиб бериш;

миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг семантик муносабатларини тиклаш, бу семантик муносабатларни ҳосил қилувчи унсурларни аниқлаш, атов бирликларининг семантик ва парадигматик муносабатлари асосида ётувчи лисоний зиддиятларини лисон ва нутқ дихотомияси тамойиллари асосида тавсифлаш;

миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг тарихий-этимологик структурасини таҳлил қилиш, тил лексик қатламининг ички ва ташқи омиллар асосида бойиб бориши методологиясига таянган ҳолда ўз ва ўзлашма қатламга оид бирликларни ажратиш, уларнинг ички бўлинишларини очиш ҳамда таснифлаш;

миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг грамматик структурасини аниқлаш, уларнинг шу асосдаги содда, қўшма ва мураккаб; бир компонентли, икки компонентли ва кўп компонентли турларини ажратиш;

миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг маъновий структурасини аниқлаш, семик хусусиятларини тавсифлаш, сема турларини ажратиш, бу семаларни тилшунослик анъаналари асосида таснифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида истиқлол даври ўзбек тили лексик системасидаги миллий ғоя тушунчаларни ифодаловчи атов бирликлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини истиқлол даври ўзбек тили лексикасининг бойиш омиллари ва манбалари, янгиланган миллий ғоя лексик микросистемалари, бу системага кирувчи бирликларнинг систем-структур, структур-семантик хоссалари ҳамда лексикографик талқини масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда систем-структур, таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, когнитив таҳлил методларидан фойдаланилди.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бирикма шаклидаги атов бирликларининг тил лексик тизимидан ўрин олиш механизми, унинг тил системасидаги яхлитлик, узвийлик ва узлуксизликни таъминлаши далилланган;

миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг тил лексик системасида тутган ўрни аниқланган, уларнинг мавзувий ва маъновий гуруҳлари ажратилган; фарқлаш ва таснифлаш асослари ишлаб чиқилган;

атов бирликларининг марказ ва қуршов лексемалари аниқланиб, уларнинг мазмун ифодалаш салоҳияти ҳамда лингвистик қиймати очиқ берилган;

атов бирликларининг тарихий-этимологик, ўз ва ўзлашма қатламга оид микросистемалар каби шаклий структуралари тадқиқ қилинган; уларнинг содда, мураккаб типлари, бир компонентли, икки компонентли ва кўп компонентли турлари асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг систем хусусияти тавсифи очиқ берилган;

миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг тилшуносликнинг кейинги босқичида идеографик ва прагматик аспектда ўрганиш учун замин ҳозирланган;

лингвокультурологик луғатлар тузиш тамойиллари шакллантирилган; киберлексикографик тавсиф учун лингвистик таъминот аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган материалларнинг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилининг миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларини «лисон→нутқ» тамойили асосида лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланиши аспектида ўрганиш учун назарий манба вазифасини бажариши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса тегишли луғатларни тартиб беришга, таълимнинг турли бўғинлари учун ўзбек тилидан дарслик ва қўлланмалар яратишга, олий филологик таълимда ихтисослик ва танлов фанларини ташкил этиш, тавсиянома ва йўриқномалар тайёрлашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти тадқиқоти давомида илмий асосланган *адоват, алла, аллома, анъана, ахборот эркинлиги, ахлоқ, ақида, ақидапарастлик, баркамол авлод, баркамоллик, барқарорлик, бунёдкор ғоялар, буюк ипак йўли, Ватан, ватанпарварлик, виждон эркинлиги, диний ташкилот, диний эътиқод, дўст, ижтимоий адолат, иммунитет, инсонпарварлик, истиқлол, истиқлол мафкураси, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, иқтисодий манфаатлар, иқтисодий мустақиллик, комиллик, маданий мерос, маданият, манфаат, матбуот эркинлиги, мафкура, маънавий зарар, маънавият, маърифат, маҳалла, маҳаллийчилик, меҳмондўст, миллий мафкура, миллий тил, миллий ғоя, миллийлик, мустақиллик, мутафаккир, Наврўз, огоҳлик, оила, оммавий маданият, семурғ, сиёсий маданият, сиёсий эътиқод, сулола, сўз эркинлиги, эркисизлик, эътиқод, қадрият* каби атов бирликларнинг изоҳидан **ФА–Ф1–**

Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» (2012–2016) номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг ФТК-0313/888-сон маълумотномаси). Олинган натижалардан мустақиллик йилларида шаклланган ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг асосий белгиларини ва бирликларини аниқлаштиришда фойдаланилган

«Ўзбек тилининг қисқача маънавий-лингвокультурологик қомусий луғати» нашр этилган ва унда 100 дан ортиқ миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирлигининг изоҳи берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 140 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «**Атов бирликлари маъноларининг махсуслашуви ўзбек тилидаги умумлисоний ҳодиса сифатида**» деб номланиб, унда атов бирликлари қўлланишининг махсуслашуви лингвистик муаммо сифатида, атов бирликлари маъносининг ихтисослашиши, атов бирликларининг хосланган маънолари, атов бирликларининг семантик деривациясига муносабат билдирилган.

Атов бирликларида тилнинг аташ-номлаш вазифаси намоён бўлади. Аташ-номлаш хусусияти – тилнинг азалий ва миллий моҳияти. Тилшуносликка доир барча манбаларда, ҳатто диний манбаларда ҳам тилнинг илк шаклланган вазифаларидан бири аташ-номлаш вазифаси эканлиги уқтирилади.

Маълумки, аташ-номлаш муаммоси устида В.В.Виноградов, Г.О.Винокур, В.Г.Гак, С.В.Гринев, В.П.Даниленко, Н.П.Кузьмин,

Л.Л.Кутина, Р.Г.Пиотровский¹ ва бошқа олимлар кенг изланишлар олиб боришган. Улар номинация жараёнида икки усул фарқланишини таъкидлайдилар:

- а) мавжуд тил бирликларига янги маъновий вазифа юклаш;
- б) мавжуд сўзлардан янги бирикмали ифодани вужудга келтириш.

Сўз семантик тараққиётини вужудга келтирувчи, асос маънолардан ҳосила маъноларнинг пайдо бўлиши, ҳосила маъноларнинг ихтисослашувини келтириб чиқарувчи лисоний ва нолисоний омиллар тилшунослар талқинида турли нисбатларда ўз аксини топади. «Б.М.Бреалнинг семантик дифференциация, К.Балдингернинг нолисоний омиллар, Г.Шпербернинг экспансия ва аттракция сабабчилиги қонуниятлари кабиларни кўрсатиш мумкин. Э.Велландер сўз семантик тараққиётида интралингвистик сабабни, С.Эман ва қатор рус тилшунослари ҳам шунга ўхшаш фикрларни баён этишган».²

Биз юқорида номлари зикр қилинган олимларнинг қарашларини ҳурмат билан эътироф этган ҳолда улар фикрларини умумлаштириб, ҳосила маъно вужудга келиши ва ихтисослашувидаги омилларни икки гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ:

- а) ҳосила маъно вужудга келиши ва унинг ихтисослашувига сабаб бўлувчи лисоний омиллар;
- б) ҳосила маъно вужудга келиши ва унинг ихтисослашувига сабаб бўлувчи нолисоний омиллар.

Диссертацияда *маънавият* атов бирликларида нолисоний омил маънонинг торайиши содир бўлишига туртки берганлиги изоҳланган.

Умумистеъмол сўзининг умумий қўлланишдаги хусусиятлари ва илмий ҳосланган маънолари орасидаги семантик «ип»ларни аниқлаш, семик «ворисийлик» хусусиятларини тадқиқ қилиш, ихтисослашган ҳосила маъноларнинг умумий моҳиятдан ажралиб чиқиши, бу жараёнга ҳамкорлик қиладиган лисоний омилларнинг роли масаласи тадқиқида С.П.Лопушанская томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган сўз семантик структурасини реконструкция қилиш методикаси самарали эканлигини таъкидламоқ лозим.³

Олима умумистеъмол лексемалари ва уларнинг терминлашувини уч кўринишда тадқиқ қилади:

- 1) ихтисослашиш (сўз маъносининг ўзгармасдан, тегишли илмий матнга ихтисослашган маънода воқеланиши);

¹Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. - Москва, 1977 – 321 с.; Винокур Г.О. Введение в изучение филологических наук. – Москва: Лабиринт, 2000 – 192 с.; В. Г.Гак. К проблеме семантической синтагматики. // Проблемы структурной лингвистики. – Москва: Наука, 1972 – 254 с.; Гринев-Гриневич С.В. Терминоведение учебное пособие. — Москва: Академия, 2008 – 304 с.; Даниленко В.П. Введение в языкознание // Курс лекций. – Москва: Флинта наука, 2017 – 74 с.; Кузьмин С.Л. Земноводные бывшего Издание второе, переработанное Товарищество научных изданий КМК 2012; Кутина Л.Л. Формирование языка русской науки (терминология математики, астрономии, географии в первой трети VIII века) Москва: Наука, 1964 – 235 с.; Пиотровский Р.Г. О некоторых стилистических категориях Публикуется по изд.: Вопросы языкознания. 1954. – 158 с.

²Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2010. – Б. 7-8.

³Лопушанская С.П. Изменение семантической структуры русских бесприставочных глаголов движения в процессе модуляция // Русский глагол (в сопоставительном освещении). – Волгоград, 1988. – С.15.

2) модуляция (полисемия доирасида хос маънонинг асос маънодан ўсиб чиққан ҳолда қўлланилиши);

3) деривация (хосланган ҳосила маънонинг асос маънодан узилиши натижасида терминологик моҳият касб этган ҳолда қўлланилиши).

Олима талқинида ушбу жараёнлар асос маънодан узоқлашиш кўламига кўра даражаланади: *специализация* → *модуляция* → *деривация*.

Тилдаги лексик бирликлар билан бир қаторда сўз бирикмалари ва сўз қўшилмалари ҳам ихтисослашган моҳият касб этиши мумкин. Мисоллар: *миллий гоя, носоглом йўналиш, маънавий муҳит, ижобий тарбия, жисмоний баркамоллик, ақлан етуклик, ҳурфикрлилик, ҳаётий тамойил, янги фикрий кашфиёт, юксак гоя, мустақил дунёқараиш, мустақиллик дунёқараиш, моддий ва маънавий бойлик*.

Сўз бирикмаси кўринишадаги ихтисослашган маъноли бирликларда муносабатга киришаётган тушунчалар қўлланиш соҳаси фаол бўлган ҳолатларда яхлитланишга интилиш кўзга ташланади. Масалан, *миллий гоя, маънавий бўшлиқ, кучли ижтимоий ҳимоя* ифодалари атайдиган тушунчалар ўзбек миллий дунёқарашида яхлитлашиб бормоқда.

Маъновий ихтисослашувнинг иккинчи босқичида атов бирликларнинг янги ҳосила маъно касб этиши маълум бир тор соҳага хос тушунчани ифодалашга кўпроқ хосланган маънолар сифатида намоён бўлади. Ихтисослашувнинг бу босқичидаги бирликларни шартли равишда *хосланган* атамаси билан номлаган маъқул.

Ўзбек тилидаги лексема семемаларининг маъновий хосланиши миллий гоя ва миллий маънавият соҳасига тегишли тушунчаларни билдирувчи бирликларда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бундай ҳолат тилимизда аввалдан мавжуд бўлиши билан бирга Ўзбекистон мустақиллик мафкураси шаклланиши ва тараққиётида давомида янгидан-янги хосланган маъноли бирликлар вужудга келди.

Маъновий хосланиш мисоллар асосида очиб берилди. Жумладан, *етакчи, етти, ёндашмоқ, ечим, гоя* каби лексемаларнинг хосланган маънолари илмий таҳлили **келтирилган**.

Сифатловчили бирикмаларнинг семантик хосланиши қаратувчили бирикмаларникига нисбатан бирмунча устун. Шу боисдан айтиш мумкинки, ушбу нисбат ҳам сифатловчили бирикмаларнинг маъновий ихтисослашуви қаратувчили бирикмаларникига нисбатан анча юқорилигини кўрсатади. Қаратувчили бирикмалар сирасида белгили қаратувчиларга нисбатан белгисиз қаратувчиларнинг ихтисослашуви юқорироқдир. Шунинг учун *мафкуранинг яккаҳокимлиги* бирикмаси ўрнида *мафкура яккаҳокимлиги* ёки *мафкуравий яккаҳокимлик* ифодаларини қўллаш устуворлиги кузатилади.

Терминологик моҳият касб этган бирликларнинг семантик деривацияси натижасида ҳар хил семантик силжишлар рўй бериши мумкин. Айрим белги билдирувчи сўзлар предметлик хусусиятини касб этса, бошқаларида белги ёки предметлик хусусияти муносабат хусусиятига айланиши мумкин. Масалан,

ОҒМАЧИ 1 Бир гапда турмайдиган, ҳадеб айнийверадиган иродасиз одам, иккиланувчи; икки юзламачи.

2 *сиёс.* Бош йўлдан чекинувчи, четга чиқувчи, оғувчи. *Ўнг оғмачилар.* *Сўл оғмачилар.*¹

Ушбу деривацион ҳосила бош маъно билан «характер заифлиги» умумий, интеграл семаси асосида боғланади. Бошқа шахсни тавсифловчи сўзлар билан шахс отлари орасидаги полифункционаллик ушбу ҳолатда ҳам акс этган. Ғоявий моҳият касб этган иккинчи махсуслашган маъноси билан лексема «предметлик» хусусиятини касб этган. Иккала маъно («белги»лик ва «предмет»лик) фарқловчи омил сифатида хизмат қилади².

Семантик деривация сўз маъновий тараққиётининг юқори даражаси бўлиб, у тилни янги бирликлар билан бойитиш, тил бойишининг ички имкониятларидан, тилда омонимлар юзага келишининг ички сермахсул омилларидан биридир.

Ишнинг иккинчи боби «**Ўзбек тилида миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликлари тизими**» деб номланган ҳамда унда *миллий ғоя* атов бирликларининг лисоний тизимдаги ўрнини белгиловчи омиллар, миллий ғоя атов бирликларининг маъновий гуруҳлари, миллий ғоя атов бирликлари микросистемалари (марказ ва қуршов лексемалари) каби **масалалар** кўриб ўтилган.

Ҳар бир объектив воқелик парчаси инсон онгида тушунча қиёфасида ўрнашади. Мантикий категория сифатида қаралувчи тушунча мағзи сўз маъносида акс этади. Тушунча эса ушбу борлиқ парчаси бўлган объект ҳақидаги билимлар мажмуидан синтезланади. Лингвистик далиллар тадқиқининг ҳозирги босқичи тилни маданий ҳодиса сифатида ўрганадиган, инсоннинг билим ва тажриба қурилишини текширадиган когнитив тилшунослик ва лингвокультурология каби янги йўналишларнинг жадал ривожланаётганлиги билан характерланади.

Объектив мавжудлик сифатидаги *миллий истиқлол* тушунчасининг концептосферасини жадвалда қуйидагича умумлаштириш мумкин:

Концепт	“Миллий истиқлол”	
Белгилари	1. Давлат конституцияси 2. Давлат байроғи 3. Давлат герби 4. Давлат тили	
Концептосфераси	1. Иқтисодий концептлар	<i>бозор муносабатлари</i> <i>иқтисодий эркинлаштириши</i> <i>ислоҳотларни чуқурлаштириши</i> <i>тадбиркорлик фаолияти</i> <i>мулкчилик шакллари</i>
	2. Сиёсий	<i>Демократлаштириши</i>

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2007. Т. III. – Б. 191.

²Ширинова Н.А. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2010. – 23 б.

	концептлар	<i>ҳуқуқий онгни юксалтириши</i>
	3.Ижтимоий концептлар	<i>кучли ижтимоий сиёсат ижтимоий муҳофаза</i>
	4.Маънавий концептлар	<i>ўзликни англаш миллий истиқлол мафкурасини сингдириши маънавий бўшлиқ тарихий хотира диний бағрикенглик виждон эркинлиги</i>
	5.Мафкуравий концептлар	<i>миллий мафкура миллий ғоя</i>

Миллий истиқлол атов бирлиги концепти ўзак (ички) ва негиз (ташқи) концептосфералардан иборат. Юқорида саналган концептуал тизимнинг дастлабки тўрт унсури негиз концептосфера бўлиб, ўзак (5-) концептосфера унинг мақсадини реаллаштирувчи концептосфера ҳисобланади. Негиз концептосфералар миллий истиқлолнинг вазифаларини, ўзак концептосфера эса мақсад-муддаосини ташкил қилади. Миллий истиқлолнинг мақсад-муддаоси унинг бош (*озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт*) ва асосий ғояларида ўз ифодасини топган бўлиб, бошқа концептосфералар унга олиб келувчи когнитив бўғинлар вазифасини бажаради.

Ўзбек тилида *миллий истиқлол* бирлиги миллий ғоя асосий тушунчасини ифодаловчи атов бирликларининг марказида туради. У бугунги кунда кўшма сўзга айланаётган, мустақил лексик бирлик ўрнини тўлдираётган лакуна сифатида амал қилади. Шунингдек, унинг таркибий қисмлари сифатида намоён бўлувчи бирликлар ҳам нисбий луғавий-маъновий гуруҳ сифатида амал қилади. Кўрилаётган атов бирликларининг аксарияти таркибий қисмлари эркин бирикувдан кўшма сўзга ўтаётганлиги сабабли *луғавий бирлик* термини ўрнида *атов бирлиги* терминини ишлатиш юзага келмоқда. *Миллий истиқлол* атов бирлигининг фалсафий ва семантик қиймати қуйидаги ички гуруҳларда жузъийлашади:

1. Миллий истиқлол мафкураси ғояларини ифодаловчи атов бирликлари маъновий гуруҳи: *ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамият эҳтиёжи (мақсад ва муддаолари/манфаатлари / орзу-интилишлари), истибдод мафкураси, истиқлол мафкураси, мафкура яккаҳокимлиги, мафкуравий беқарорлик, мафкуравий вазият.*

2. Миллий ғоя тамойилларини ифодаловчи атов бирликлари маъновий гуруҳи: *бунёдкор ғоя, вайронкор ғоя, фуқароларни уюштириши, бунёдкорликка сафарбар этиши, ғоявий тарбиялаш, инсонпарварлик, диний экстремизм, халқаро терроризм.*

3. Миллий ғоянинг ижтимоий-иқтисодий асосларини ифодаловчи атов бирликлари маъновий гуруҳи: *босқичма-босқич ўтиши, ижтимоий ҳамкорлик, имтиёзли ҳамкор, ислоҳот, меҳнат жамоалари, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик, мулк хилма-хиллиги, табиий бойликлардан*

оқилона фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, ижтимоий адолат, эркин шахс.

4. Миллий ғоянинг сиёсий асосларини ифодаловчи атов бирликлари маъновий гуруҳи: *демократия, салб юришлари, сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, қонун устуворлиги, мулк хилма-хиллигининг кафолатланиши, сиёсий партиялар.*

5. Миллий ғоянинг маънавий асосларини ифодаловчи атов бирликлари маъновий гуруҳи: *“Авесто”, адолат, афсона, комил инсон, маданият, маърифат, маданий-маърифий муассасалар, маҳалла, оила, урф-одатлар, маросимлар.*

Ҳар бир атов бирликлари маъновий гуруҳи ўз ичида яна ички гуруҳларга ҳам бўлиниб кетадики, бу тил тизимининг узвийлиги ва изчиллиги тамойили асосида кечишидан далолат беради. Таъкидлаш лозимки, айрим бирликлар семантик серқирралиги сабабли лисоний бирликнинг турли парадигмага кира олиши тамойили асосида турли атов бирликлари маъновий гуруҳида учраши мумкин. Бу, албатта, бир қарашда ҳодисалар таснифининг мураккаблиги билан белгиланади. Бироқ турли парадигмада муайян бирликнинг турли томонини идрок этиш лозимлиги уларнинг таснифидаги мураккабликларни бартараф этади.

Ўзбек тилининг лексик қатламида шаклланаётган семантик майдонлардан бири миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликлари тизими бўлиб, мазкур тизим юзлаб бирликларни ўзида бирлаштириб туради. «Миллий ғоя семантик майдони» таркиби ҳам бошқа лексик системалар сингари ўзига хос тизимий структура ва ташкил этувчиларига эга. Хусусан, мазкур майдон алоҳида система сифатида ядро, марказ, қуршов, чекка унсурларидан иборат. Кузатувимиздаги «миллий ғоя семантик майдони»нинг ядросида *озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт* атов бирлиги туради, унинг марказий қаторини *Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик* ва *диний бағрикенглик* каби атов бирликлари эгаллайди. Майдоннинг марказий бирликлари, айти пайтда, ўз қуршовларига, қуршов бирликларидан кейин турувчи чекка унсурлари билан ўзаро бевосита ёки билвосита алоқадорликда бўлади.

«Миллий ғоя» атов бирлиги семантик майдони таркиби ҳам бошқа лисоний майдонлар сингари мураккаб тузилишга эга бўлиб, майдоннинг чекка ҳудудидан чекка унсурлари ўрин эгаллайди. Майдон ядросига зич боғланган ҳар бир марказий бирлик ўз қуршовига, алоҳида қуршовлар эса ўзига қарашли чекка унсурларига эгалиги билан характерланади. Хусусан, *Ватан, тараққиёт, қайғуриш ҳисси, қонун, устуворлик, ижтимоий сиёсат, барқарорлик, кафолат, тарих, бой мерос, тарихий хотира, келажак, ишонч* каби атов бирликлари *Ватан равнақи* марказий бирлигига оралиқ поғона, яъни ўзларининг қуршови орқали боғланиб, семантик майдон таркибига кирган.

Юрт тинчлиги марказий бирлиги орқали *фуқаро, осойишталик, сарҳадлар, дахлсизлик, миллий армия, юрт посбонлари, хавфсизлик, огоҳлик, ҳушёрлик, она Ватан, ватанпарварлик* каби чекка унсурлар мазкур майдон таркибидан жой олади.

Майдон марказий бирликларидан яна бири *халқ фаровонлиги* атов бирлиги ўз қуршови орқали *фаровонлик, турмуш, ижтимоий ҳимоя, меҳнатсеварлик, моддий ва маънавий ҳаёт, ислоҳот, олий мақсад, тадбиркорлик, бизнес, хусусий мулк* каби чекка унсурларининг система билан алоқадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Комил инсон марказий бирлиги эса *ижодийлик, доно, билимдон, тадбиркор, баркамоллик, маънавият, миллий қадрият, умумбашарий, олижаноблик, шахс, фазилат, озод шахс, маънавий, жисмоний, ахлоқий, хулқ-атвор, инсон, шахс қиёфаси, маънавий бўшлиқ, баркамол, эзгулик, яхшилик, эркин фикр, фаровон шахс, руҳий тарбия, бунёдкор, бузғунчи, вайронкор* каби чекка атов бирликларини майдон ядроси атрофига бирлаштириб туради.

Ижтимоий ҳамкорлик марказий бирлиги ўз қуршов бирликлари орқали *тинчлик, тотувлик, мақсад, манфаат, ҳамжиҳатлик, муроса, интилиш, миллат, халқаро, ҳамкор, ҳамкорлик, барқарор* каби атов бирликларини системага боғлаб туради.

Миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликлари семантик майдонидаги *миллатлараро ҳамжиҳатлик* марказий бирлик *миллат, ирқ, халқ, тенг ҳуқуқлилиқ, ҳурмат, миллий-маънавий, миллатлараро, ҳамкорлик, очиқлик, умумбашарий, халқаро, миллий, минтақа, терроризм, ақидапарастлик, маънавий бўшлиқ, тараққиёт, қадрият, байналмилаллик, илм-маърифат, инсонпарварлик, хайрихоҳлик, дўстлик, биродарлик, ғайриинсоний, тараққийпарварлик* каби атов бирликларини уюштириб келади.

Диний бағрикенглик маркази ўз қуршов бирликлари орқали қуйидаги чекка унсурларни системага олиб киради: *дин, эътиқод, эркинлик, ислом, христианлик, сабр-тоқат, қаноат, шукр қилиш, қадрият, виждон, конфессия, ҳурмат, тенглик, олижаноб ғоя, ният, миллий дин, жаҳон динлари, маърифатпарварлик, поклик, иймон-эътиқодлилиқ, эзгулик, ҳалоллик, саховатлилиқ, бағрикенглик, инсоний* кабилар.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбек тилида миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг структураси**» деб номланади. Бу бобда миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг тарихий-этимологик ва деривацион хусусиятлари, шаклий структураси, семантик муносабатлари баён қилинган.

Тарихий-этимологик жиҳатдан миллий ғоя тушунчасини ифодаловчи атов бирликларининг тарихий-этимологик хусусиятлари ўзбек миллий маданияти, маънавияти, тили, тарихий тараққиётининг илғор тенденциялари билан боғлиқ равишда таркиб топган. Шу боисдан бу тизимга кирувчи лексемалар ўз ва ўзлашма қатламга оид микросистемалардан иборат. Ўз қатлам бирликларига *барқарорлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик,*

ирқчилик, кўппартиявийлик, миллатчилик, мустақиллик, эркинлик, ғоясизлик, фаровонлик, фуқаролик каби лексик бирликлар мансуб бўлиб, уларнинг аксарияти ясамалилиги билан характерланади.

Ўзлашма қатлам бирликлари эса ўз ўрнида қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) арабча: *Ватан, мафкура, маънавият, миллат, миллий, дин, ҳаёт, истиқлол, ислоҳот, қадрият, анъана, маҳалла, маданият, ҳадис, комил, камолот, ҳуқуқ, иқтисод, сиёсат, оила, тамаддун, мулк* ва бошқалар.

б) форсча: *афсона, Наврўз, дона;*

в) русча-байналмилал: *авторитаризм, волюнтаризм, конституция, менталитет, суверенитет, партия, тоталитаризм, цивилизация.*

Ўзлашма атов бирликларининг арабий қатлами форсий қатламга нисбатан бойроқ бўлиб, бу ўзбек миллий маънавиятининг шаклланишида ислом маданиятининг, тасаввуф ва ўзбек мумтоз адабиётининг роли улкан даражада эканлиги билан белгиланади. Чунки диний эътиқод қадриятларимиз асосини ташкил қилган бўлиб, бунда, аввало, исломий тафаккур, фалсафа, илоҳиёт фани – калом, кейинчалик тасаввуфнинг таъсири устувор бўлган. Шу боисдан, миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликлари сирасида араб тилига мансуб ёки асоси арабча бўлган лексик бирликлар миқдори устуворлиги билан ажралиб туради. Масалан, араб тилидан ўзлашган *маънавият* сўзи *маънавий баркамоллик* атов бирлиги таркибига мансуб бўлган ҳолда миллий ғоя тушунчалари системасида қуршов бирликлари қаторидан ўрин олади.

Диссертацияда *маънавият, маърифат, демократия, толерантлик* каби атов бирликларининг этимологияси ҳақида мулоҳазалар юритилган.

Англашиладики, миллий ғоя тушунчалари атов бирликлари орасидаги арабча лексемалар истиқлол натижаси ўлароқ этимологик жиҳатдан ўз маъновий қийматининг кенгайиб бораётганлигини намоён қилмоқда. Русча-байналмилал сўзлар маъноларида эса силжишлар юз бериб, ўзбек миллий онги ва тафаккурига мос маъновий қийматга эга бўлиб бормоқда.

Ўзбек тилининг миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларининг шаклланишида турли дериватив усулларни кўриш мумкин: янги маъно касб этиш, маъно кенгайиши, маънонинг ихтисослашуви, лексемалашув, лексикализация ва ҳоказо.

Маърифат, муҳолифат, комил инсон, бағрикенглик, миллий ғоя, мафкура, қадрият, маънавият, маҳалла, миллийлик каби миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликларида янги маъно касб этиши таҳлиллар асосида очиб берилган. Шунингдек, маънонинг ихтисослашуви, эркин бирикмаларнинг атов бирлигига айланиши сингари дериватив усулларга ҳам мисоллар келтириб ўтилган.

Тил бирликларини шаклий структурасига кўра таснифлашда уларнинг ташкил этувчи ўзаклар сони, миқдори инобатга олинади. Шунга кўра айтиш мумкинки, миллий истиқлол ғояси тушунчаларини ифодаловчи атов бирликлари тузилишига кўра икки хил ҳолатда учрайди:

1) сўз:

1.1. содда сўз: *маънавият, истиқлол, мустақиллик, мафкура, ғоя;*

1.2. мураккаб сўз: *кўппартиявийлик, ҳозиржавоблик.*

2) бирикмали:

2.1. содда бирикмали: *миллий онг, озод Ватан, фаровон ҳаёт, Ватан равнақи, ҳаракатлар стратегияси.*

2.2. мураккаб бирикмали: *миллий истиқлол гояси, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, миллий истиқлол мафкураси.*

Шу билан бирга, юқорида келтирилган ҳар бир гуруҳ ўз ўрнида ички гуруҳларга бўлинади. Масалан, “содда сўз” гуруҳи содда туб ва содда ясама гуруҳчаларига ажралади:

1.1.1. содда туб: *маънавият, истиқлол, гоя;*

1.1.2. содда ясама: *мустақиллик, маърифатли, толерантлик.*

Миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликлари сирасида эркин бирикма ҳолатидаги атамалар талайгина. Улар ушбу тизимга кирувчи тушунчаларни ифодалашга ихтисослашиб бораётганлиги туфайли сўз бирикмасидан кўшма сўзларга айланаётган ҳодисалар сифатида баҳоланиши мумкинлиги юқорида айтилган эди. Бирикмали атов бирликлари дастлаб икки ички гуруҳга бўлинади:

1) содда бирикмали: *миллий гоя, мустақиллик мафкураси, миллий мустақиллик, ҳаракатлар стратегияси;*

2) мураккаб бирикмали: *миллий истиқлол гояси; озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт;*

Содда бирикмали атов бирикмалари ўз ўрнида яна икки гуруҳга ажралади:

2.1.1. содда тенг муносабатли бирикма: *тинчлик ва тотувлик;*

2.1.2. содда тобе муносабатли бирикма: *миллий гоя, мустақиллик мафкураси, миллий мустақиллик.*

Мураккаб бирикмали атов бирликлари ўз ўрнида икки гуруҳга бўлинади:

2.2.1. тобе алоқали мураккаб бирикмали: *буюк давлатчилик шовинизми; дунёнинг мафкуравий манзараси; имтиёзли ҳамкорни белгилаш; инсон қалби ва онги учун кураш; ички ишларга аралашмаслик; мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви; миллий истиқлол гояси; миллий истиқлол гоясининг асосий сифатлари; оммавий ахборот воситалари; сиёсий ҳаётни эркинлаштириш; тараққиётнинг ўзбек модели; ўзбек миллий давлатчилиги;*

2.2.2. аралаш алоқали мураккаб бирикмали: *бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қилиш; халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат қилиш; кучли давлатдан – кучли жамият сари; халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишонч; озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш; Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.*

Лексик бирликлар лисонда турли семантик муносабатлар асосида ҳар хил парадигмалар ҳосил қилган ҳолда мавжуд бўлади. Миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи семантик майдонга кирувчи атов бирликлар ҳам ўзаро синонимик, антонимик, градуонимик, партонимик, гипонимик муносабатларларга киришади. Бунга мисол сифатида *мустақиллик – истиқлол – эркинлик – озодлик – ҳурлик – ҳуррият* синонимик қаторини келтиришимиз мумкин. Маънодошлик қаторини ташкил этган мазкур атов бирликларининг аташ семалари бир хил бўлиб, улар ифода семаларидаги ҳар хилликка кўра фаркланади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Мустақилликка эришган ҳамда ўзига хос тараққиёт ва ривожланиш йўлини танлаган жамиятимиз ҳаётидаги кескин бурилиш тилимизнинг лексик сатҳида катта ўзгариш ясади. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий соҳадаги эврилишлар натижаси ўлароқ тилимизда “янги” эскирган қатлам, неологизм ва, қолаверса, қайта тикланган ва янги концептуал, лисоний қиймат касб этган луғавий бирликлар, атамалар вужудга келдики, бу уларнинг тадқиқ этилишини долзарб қилиб, тилшунослигимиз, жумладан, унинг лексикология, луғатшунослик соҳалари олдига янги-янги вазифаларни кўйди. Янги лексик бирликлар озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётган миллатимизнинг мақсад ва муддаоларини, орзу-истакларини, хоҳиш-иродасини ифодаловчи маъноларни ўзида акс этиради. Миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликлари улар сирасида алоҳида ўрин тутди.

2. Ўзбек миллий тафаккури учун миллий ғоя илмий нуқтаи назардан маълум маънода янги реал ва объектив воқелик бўлиб, уларнинг акси ўзбек лисоний онгидан янги лингвокогнитив концепт бўлса, тафаккуридан янги сифат мақомидаги тушунча сифатида ўрин олди. Дастлаб субъектив асосга эга бўлган миллий ғоя тушунчалари объектив эҳтиёж натижаси ўлароқ омма онгига сингиб, бугунги кунда ижтимоий хусусиятга эга бўлди.

3. Барча когнитив концептлар сингари *миллий истиқлол* концептосфераси ҳам динамик характерли бўлиб, бу концептосфера очик бўлганлиги сабабли бойиб, такомиллашиб бориш табиатига эга. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари номлари сирасидаги ядро ва марказ бирликларининг асосийлари бирикма ҳолатидаги атов бирликлари бўлиб, уларнинг атов бирлиги сифатида янги моҳият касб этиши тил тараққиёти билан боғлиқ.

4. Миллий ғоя тушунчалари орасида лексик ифодаланмайдиган, мазмун-моҳияти эркин сўз бирикмалари билан ифодаланадиганлари ҳам мавжуд. Сўз бирикмаси апеллятив маъносини ихтисослашган маъно сифатида намоён қилади. Эркин бирикма миллий ғоя тушунчаси номи сифатида бирикмали атама ҳисобланиб, лакуна қопловчиси сифатида намоён бўлади.

5. Ўзбек тилида *миллий истиқлол* атов бирлиги миллий ғоя бошқа атов бирликлари марказида туради. У бугунги кунда кўшма сўзга айланаётган, мустақил лексик бирлик ўрнини тўлдираётган лакуна мақомидадир. Атов бирлиги мансуб тизимнинг таркибий қисмлари сифатида намоён бўлувчи бирликлар ҳам нисбий луғавий-маъновий гуруҳ кўринишида бўлади.

6. *Миллий истиқлол* атов бирлигининг фалсафий ва семантик қиймати кўйидаги ички гуруҳларда жузъийлашади:

а) миллий истиқлол мафкураси ғояларини ифодаловчи атов бирликлари маъновий гуруҳи;

б) миллий ғоя тамойилларини ифодаловчи атов бирликлари маъновий гуруҳи;

в) миллий ғоянинг ижтимоий-иқтисодий асосларини ифодаловчи атов бирликлари маъновий гуруҳи;

г) миллий ғоянинг сиёсий асосларини ифодаловчи атов бирликлари маъновий гуруҳи;

д) миллий ғоянинг маънавий асосларини ифодаловчи атов бирликлари маъновий гуруҳи.

7. Ўзбек тилидаги бошқа терминологик тизимлардагидан фарқли равишда миллий ғоя атов бирликлари терминологик тизимида атов бирликлари сўзли ва бирикмали, бирикмали бирликлар «тенг алоқали», «тобе алоқали», «аралаш алоқали» ички гуруҳларига бўлинади. Атов бирликлари орасида лексема ва сўзшакл ҳолатидаги кўринишларнинг ҳам мавжудлиги масалани янада мураккаблаштиради.

8. Тарихий-этимологик жиҳатдан миллий ғоя тушунчасини ифодаловчи атов бирликларининг тарихий-этимологик хусусиятлари ўзбек миллий маданияти, маънавияти, тили тарихий тараққиётининг илғор тенденциялари билан боғлиқ равишда таркиб топган. Қадриятларимиз шаклланишида исломий тафаккур, фалсафа, илоҳиёт фани – калом, кейинчалик тасаввуфнинг таъсири устувор бўлган. Шу боисдан, миллий ғоя атов бирликлари сирасида араб тилига мансуб ёки асоси арабий бўлган лексик бирликлар миқдори устуворлиги билан ажралиб туради.

9. Миллий ғоя тушунчалари атов бирликлари сирасидаги арабча лексемалар истиқлол натижаси ўлароқ этимологик жиҳатдан маъновий қийматининг кенгайиб бораётганлигини намоён қилмоқда. Русча-байналмилал сўзлар маъноларига эса ихтисослашув хос бўлиб, ўзбек миллий онги ва тафаккурига мос маъновий қийматга эга бўлиб бормоқда.

10. Миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликлари сирасида шаклий ва маъновий деривацияга учраган лисоний ва нутқий бирликлар жуда кўп бўлиб, бу маъновий ўзгаришлар орасида янги маъно қабул қилиш, маъно ихтисослашуви, маъно кенгайиши, маъно торайиши, лексемалашув, лексикализация ҳодисалари кўплаб учрайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 27.06.2017.Fil.02.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ТОЖИЕВА ГУЛБАХОР НОМОЗОВНА

**РАЗВИТИЕ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ УЗБЕКСКОЙ
ДУХОВНО-ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ЛЕКСИКИ
(система назывных единиц «Национальной идея»)**

10.00.01 – Узбекский язык

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

САМАРКАНД – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Fil 21.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский английский (резюме)) размещен веб-странице Научного совета по адресу: samdu.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz)

Научный руководитель: **Менглиев Бахтиёр Ражабович**
доктор филологических наук,
профессор

Официальные оппоненты: **Дадабоев Хамидулла Арабович**
доктор филологических наук,
профессор

Абдиев Муродкосим Болбекович
доктор филологических наук

Ведущая организация: **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» «_____» 2017 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD 27.06.2017.fil.02.03 при Самаркандском государственном университете по адресу: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за № __). 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(протокол реестра рассылки № __ от «__» _____ 2017 года).

М.Мухиддинов,
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор филол. наук, профессор

А.Б.Пардаев,
секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
кандидат филол. наук.

Ж.Хамроев,
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор филол. наук.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой лингвистике проводится ряд научных работ по изучению социально-философской сути понятий «идеология», «духовность», «идея», толкованию этих понятий, исходя из особенностей определенной эпохи и общества. Невозможно системно осмыслить структуру идеологических и духовно-просветительских работ, не определив роли этих понятий в языковой системе. В частности, сложно целостно представить систему духовного воспитания, роль духовности в качестве основного рычага в развитии общества, не определив микро- и макросистемы понятий «идеология», «духовность», «идея», не выяснив, то есть, не ограничив концептосферу каждого понятия.

После обретения Республикой Узбекистан независимости, в стране сформирована система пропаганды, направленная на укрепление духовно-просветительских основ жизни общества, внедрение в жизнь основных понятий и принципов идеи национальной независимости, повышения у населения, особенно молодежи чувства ответственности за судьбу и будущее страны, укрепление идеологического иммунитета против чуждых идей. Ибо, суть и содержание духовно-просветительских работ непосредственно связаны «...с основательным освещением сути и содержания сложных геополитических и идеологических процессов мира, эффективной идеологической борьбой против терроризма, религиозного экстремизма, догматизма, сепаратизма, торговли людьми, «массовой культурой», наркобизнесом и другими угрозами»¹.

В мировом и национальном языкознании важное значение имеет изучение языковой природы, понятий «идея», «духовность», «идеология», их роли в языковой системе в плане языковой картины мира на основе передового опыта и методов исследования изучения вопросов духовно-просветительской лексики. В частности, сложно осуществить эти задачи без восстановления семантических отношений единиц, выражающих понятия «идея», «духовность», «идеология», определения элементов, образующих эти семантические отношения, характеристики на основе дихотомии язык и речь языковых противоречий, лежащих на основе семантических и парадигматических отношений номинативных единиц.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит исполнению задач, обозначенных в постановлении Президента Республики Узбекистан №451-ПП «О повышении эффективности пропаганды национальной идеи и духовно-просветительской работы» от 25 августа 2006 года, указе №4797-УП «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы» от 13 мая 2016 года,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи, 2017 йил, 29 июль.

постановлении №3160-ПП «О повышении эффективности духовно-просветительских работ и поднятии на новый уровень развитие отрасли» от 28 июля 2017 года и других нормативных-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и технологии в республике: I «Нравственно-духовное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В последнее время понятия относительно национальной идеи широко изучаются в философско-гносеологическом аспекте. За короткий срок создано огромное количество научных трудов, касающиеся данного вопроса, были организованы научно-теоретические, практические конференции в этой сфере. А также выполнены специальные исследования¹, изданы статьи², собраны словари³. Однако номинативные единицы, выражающие понятия национальной идеи до сих пор не изучены в специальном монографическом аспекте.

Соответствие исследования плану научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ под названием «Национальная лексикография и проблемы когнитивного аспекта узбекского языка», выполняемого кафедрой узбекского языкознания Каршинского государственного университета, а также на основе фундаментального проекта ОТ-Ф8-002 «Влияние современной цивилизации на социальный облик человека».

Цель исследования составляет освещение роли в языковой системе узбекского языка и системных особенностей номинативных единиц, выражающих понятия национальной идеологии.

Задачи исследования:

доказать, что специализация использования номинативных единиц является лингвистической проблемой, раскрыть влияние факторов,

